

Жаҳон банки Аракан муслмонларига ёрдам берди



15:07 / 11.03.2019 1460

Мьянмадаги босимлар туфайли Бангладешга кўчиб ўтиб, муҳожиротда яшаётган араканли муслмонларни ижтимоий ва гуманитар қўллаб-қуватлаш учун Жаҳон банки томнидан 165 млн. АҚШ доллар ёрдам пули ажратилди, деб хабар беради IQNA.

Ушбу маблағ қайтариб олмаслик шарти билан Бангладеш томонидан муҳожир муслмонларга етказилиши учун Бангладеш ҳукумати ҳисобига ўтказилган. Хабарда айтилишича, ушбу маблағ муҳожирлар яшаётган лагерлар орасидаги йўлларни, сув иншоотларини созлаш, кўприкларни таъмирлаш ва кўчаларини кечаси ёритиш учун сарфланади.

БМТнинг маълум қилишича, 2017 йилнинг август ойида Мьянма армияси томонидан маҳаллий араканли муслмонларга етказилган босимлар натижасида улар ўз ерларини тарк этишга мажбур бўлмоқдалар. Ҳозирда Бангладеш ҳудудида 745 минг атрофида араканли муслмонлар муҳожирликда яшамоқда. Мьянма ҳукумати аракан аҳолисини ўз юртларига қайтариш бўйича берган ваъдасини бажармаяпти.

Islom.uz